

ISSN 2010-8419



**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR - НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФергУ**

---

**2 - 2017**  
Aprel

### КАСБИДАН ҲУРМАТ ТОПГАН УСТОЗ (Собиржон Сидиқов – 70 ёшида)



Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” кўрак нишони соҳиби, биология фанлар номзоди, доцент Собир Мамасолиевич Сидиқов ўзининг муборақ 70 ёшини қаршилади. Собиржон Мамасолиевич Сидиқов 1947 йил 25 мартда Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг Еркишлоқ қишлоғида таваллуд топган. С.М. Сидиқов Еркишлоқ қишлоғидаги 5-сонли ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга кириб, 1965 йили 11-синфни тамомлаш билан бирга уста-дурадгор касбини эгаллаган. У меҳнат фаолиятини мактабда ўқиб юрган кезларида, аниқроғи, 7-синфдан бошлаган. Ўша йиллари дарсдан ташқари вақтда мактаб ҳолида ташкил этилган ёшлар лавозимлик бригадасида меҳнат ёлган. С.М. Сидиқов ёшлар бригадасида таълимчи бўлиб ишлаб, мактабдошларига доимо намуна бўлган. Мактабда ўқиб юрган вақтларида жисмоний тарбия дарсларидан ташқари баскетбол, волейбол, стол тенниси каби спорт турлари бўйича туман ва вилоят мусобақаларида терма жамоа таркибиде иштирок этиб, мактаб шаънини ҳимоя қилган.

Мактабда ўқитган барча синфдошлар катори қолақанда етук мутахассис бўлиб, келиматда ўз ўрнини топишни ниёт қилди. 1965 йилда Тошкент кооператив техникумига ўқишга кирди (1966 йилдаги элчилардан сўнг техникум Фарғона шаҳрига кўчирилган). 1967 йилда Фарғона шаҳрида ўқишни тамомлади. Техникумда ўқиб юрган кезларида ҳам спорт турлари баскетбол, волейбол, футбол, спорт тенниси ва бокс спорт турлари билан шугулланиб, ўзининг жисмоний фаолиятини риёсатлантириб борди. У ерда устозларга бўлган муҳаббат туфайли улар синғари педагог бўлишни мақсад қилади. Эзгу мақсад уни 1967 йилда яна Мирзо Улугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва спорт факультетига етаклади. 1954 йилда водийда биринчи республикада иккинчи бўлиб очилган жисмоний тарбия факультетининг талабаси бўлиш бахтига мулссар бўлди. Институтда ўқитганда устозлар назарига тушди ва уларнинг меҳрини қозонишга эришди.

1971 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаган Собиржон Сидиқов институтнинг спорт кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга олиб қолинди. Бу янги давр С. Сидиқов ҳаётида шахс сифатида қамол топиб, илмий-интеллектуал ва ташкилотчилик қобилиятининг

тўлароқ рўёбга чиқариши, ўзига келажакда муносиб шогирдлар тайёрлаш даври бўлди.

Ёш олим 1982-1987 йилларда Жисмоний маданият факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган давларида факультет ва кафедраларда ўқув жараёнини янгилаш ташкил этиш, спортчи ва иқтидорли талабаларни малакавий амалиётларини ташкиллаш, кафедра ва факультетда ўқитувчиларни илмий-методик салоҳиятини юксалтириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда намунали ишларни амалга оширди. Ўз касбининг фидойиси, ташкилотчи С. Сидиқов ўқув, таълим-тарбия, спорт ва жамоат ишларида фаол хизматлари учун 1983 йилда институт раҳбарияти тавсияси билан вилоят раҳбарияти томонидан “Жигули” автомобили билан мукофотланган.

1987-1992 йиллар ва 1999-2000 йилларда С. Сидиқов жисмоний маданият факультет декани бўлиб ишлаган кезларида талабаларни дарсдан ташқари спорт ва педагогик маҳоратларини ошириш, турли спорт мусобақаларини ташкиллаш ва ўтказиш, спорт залларини, спорт майдонларини реконструкция қилиш ишларини амалга оширган. Устоз 1993-1997 йилларда жисмоний маданият факультетининг спорт кафедраси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудирини бўлиб ишлаган даврида ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг илмий-педагогик маҳоратларини ошириш, ўқув-амалий семинарлар ташкиллаш, талаба ёшлар ўртасида педагогик ва спорт маҳоратларини ошириш бўйича талайгина ишларни амалга оширди.

С. Сидиқов университет хўжалик ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият олиб борган даврида ўқув бинопарини таъмирлаш, ётоқхоналарда талабаларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида шароитлар яратиш ишларига раҳбарлик қилган. Университетда электр-энергияси ва сувни тежаш мақсадида ҳисоблагичлар ўрнатилган ишларини йўлга қўйиб, вазириликнинг пул мукофоти билан тақдирланган.

Университетда 2014 йил май ойида бўлиб ўтган илмий кенгашида 2015 йил Фарғона давлат университети ташкил топганлигининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита тузилиб, университетнинг ўтмиши ва ҳозирги даврини аниқ эътирувчи музей ташкил этиш ишларига масъул этиб С. Сидиқов таъинланди. Бу соҳада анча-мунча тажрибага эга бўлган устоз топшириқни бажаришга киришар экан, водийдаги, республикадаги ва дунё

мамлакатларида мавжуд бўлган музейлар ҳақидаги маълумотларни интернет орқали ўрганиб, музейни ташкиллаш бўйича пойиҳа ишларини бошлаб юборди. Энг асосий масалалардан бири олийгоҳ ташкил топган 1930 йилдан шу кунга қадар бўлган тарихий расмларни ва маълумотларни тўллаш масаласи бўйича университет, шаҳар, республика архивларида сақланаётган марҳум профессор-ўқитувчиларга оид ҳужжатларни излашдан бошлади. Уларнинг хонадонларида бўлиб, керакли маълумотларни йиғишда жонбозлик кўрсатди. Натижада, меҳнатлари самараси сифатида 2015 йил 21 ноябрь куни музей очилиши ва 2 томли "Тарих ва юксалиш йиллари" ва "Илм ва таълим фидойилари" номли китобларнинг тақдими билан яқунланди.

С.Сидиқовнинг олимлик, педагоглик, раҳбарлик ва жамоатчиликдаги фаолиятида

турмуш ўртоғи Гулнораҳон ҳожи онанинг ҳиссаси катта, албатта. Улар 1973 йил 20 июнда ота-оналари розилиғи ва оқ фотиҳалари билан турмуш қурганлар. Гулнораҳон ҳожи она 1972 йилда Фарғона педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) физика-меҳнат факультетини тамомлаб, 2004 йилга қадар Фарғона шаҳридаги 15-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб фаолият олиб бордилар.

Устоз турмуш ўртоғи билан 5 нафар фарзандни (3 ўғил, 2 қизни) тарбиялаб вояга етказдилар. Ҳозирда 9 нафар набиранинг сеvimли бобоюниси ва бувиюниси бўлиб, пирубадавлат ҳаёт кечирмоқдалар.

Жамоемизнинг барча аъзолари номидан тиниб-тинчимас, касбидан ҳурмат қозониб келаётган устозни муборақ 70 ёши билан қутлар эканмиз, унга сихат-саюматлик, узок умр, бахт ва савдат тилаб қоламиз.

*Ш. Хонкелдиев,*

*педагогика фанлари доктори, профессор.*

*Р.Ҳамроқулов,*

*педагогика фанлари номзоди,  
жисмоний маданият факультети декани.*